

Меъёрдан ортиқ юк



14:16 / 30.01.2024 3001

Болалигида кўпчилик космонавт, учувчи бўлишни орзу қилган. Космонавтлар, учувчилар дуч келадиган ҳолатлардан бири – меъёридан ортиқча юкдир. Буни рус тилида перегрузка дейилади. Бу танага ташқаридан ортиқча юкнинг тушиши бўлиб, латинча g (жи) ҳарфи билан белгиланади.

Инсон қаерда, қандай шароитда тургани, қандай тезликда ҳаракатланаётганига қараб турли юк босими остида бўлади. Кўпчилигимиз истироҳат боғларидаги аттракционларга тушганимизда, танамиздаги оғирлик, ноқулайликни ҳис этганмиз. Ана шу танага тушаётган юкдир. Бизга юк тушганда, танамиз ўз вазнидан бир неча баробар оғирлашиб кетади.

Инсон космосда вазнсизлик ҳолатида турганда унга юк тушмайди. Демак, бу пайтда унга тушадиган юк 0 г деб белгиланади.

Инсон ер сатҳида ҳаракатланмай турганда, ернинг тортишиш кучи сабабли унга 1 г оғирлигида юк тушаётган бўлади.

Самолётда кетаётган йўловчи танасига 1,5 г оғирликда юк тушади.

Парашютда тушаётган одам ерга сониясига 6 метр тезликда қўнганида унинг танасига 1,8 г оғирликда юк тушади.

Космонавтлар космик кемада Ер атмосферасига кираётган пайтда уларнинг танасига 3-4 г оғирликда юк тушади.

Парашютда тушаётган одам парашюти очилган лаҳзада унинг танасига 10 г оғирликда юк тушади.

Аэробатика (самолётни турли манёврларда, акробатик ҳаракатлар қилдириб ўқиш) самолётида ўқийган ўқувчи танасига 12 г оғирлигида юк тушади.

Баъзан космик кеманинг фавқулодда тушиши асносида 20-26 г оғирликда юк тушади.

Автопойгада иштирок этаётган ҳайдовчи танасига фавқулодда 179,8 г оғирликда юк тушган.

Форт-Уортда бўлаётган автопойгада Кенни Брак исмли иштирокчи танаси бахтсиз ҳодиса туфайли 214 г оғирликдаги юкни қабул қилган.

Колибри қушлари тезкор ҳаракати, турли парвозлари сабабли уларнинг бошига 304 г оғирликда юк тушади.

Венера атмосферасининг зич қатламларида “Венера-7” сайёралараро станцияси тормоз бериши пайтида унга 350 г оғирликда юк тушган.

Қизилиштон номли қуш тумшуғи билан дарахтга уриб, ковак очаётган пайтда унинг бошига 1000 г оғирликда юк тушади.

Қуролдан ўқ отиш пайтида стволдан чиқаётган ўқнинг юки 47 000 г оғирликда бўлади.

Аллоҳ таоло инсон учун барча шароитларни яратиб қўйган. Ерда қулай юриши, қийналмаслиги учун Ернинг тортишиш кучини ҳам, атмосферанинг босимини ҳам, инсоннинг ички босимини ҳам бир-бирига мутаносиб қилиб яратган. Бу Роббимизнинг биз бандаларига ато этган катта неъмат, меҳрибонлигидир.

Аллоҳ таоло инсонга тоқати етмайдиган нарсани юкламаган. У Зот Қуръони Каримда шундай марҳамат қилган:

عَفَا سُو وَالْاِسْفَانُ لَلْاِفْلَاحِ الْاَل

“Аллоҳ ҳеч бир жонни тоқатидан ташқари нарсага таклиф қилмас” (Бақара сураси, 286-оят).

Кимга қандай қувват беришни, кимни нимага кучи етадиган қилиб яратишни Аллоҳ таолонинг Ўзи билади. У Зот Қуръони Каримда шундай марҳамат қилган:

نَوْمًا لَعَنَتَ الْاَلْمُنَانُ وَالْمَلْعِي لَلْاَو

“Аллоҳ билади, сиз билмайсиз” (Бақара сураси, 216-оят).

Аллоҳ таоло барчамизни Ўзининг ҳидоятидан айирмасин!

Интернет маълумотлари асосида Нозимжон Ҳошимжон тайёрлади